

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУСТАФАЕВА ФЕРУЗА АБУЛОВНА**

**АЁЛЛАРДА КИЧИК ЧАНОҚ АЪЗОЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИДА ИММУН СТАТУСНИ  
БАҲОЛАШГА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Мустафаева Феруза Абуловна**

Аёлларда кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликларининг  
диагностикасида иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашув..... 3

**Мустафаева Феруза Абуловна**

Дифференцированный подход к диагностике иммунного статуса при  
воспалительных заболеваниях органов малого таза у женщин ..... 23

**Mustafaeva Feruza Abulovna**

Differentiated approach to assessing the immune status in inflammatory  
diseases of the pelvic organs in women ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 46

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МУСТАФАЕВА ФЕРУЗА АБУЛОВНА**

**АЁЛЛАРДА КИЧИК ЧАНОҚ АЪЗОЛАРИ ЯЛЛИҒЛАНИШ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДИАГНОСТИКАСИДА ИММУН СТАТУСНИ  
БАҲОЛАШГА ТАБАҚАЛАШТИРИЛГАН ЁНДАШУВ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Tib1457 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар</b>	<b>Нуралиев Неккадам Абдуллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар</b>	<b>Разикова Элмира Садуллаевна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор  <b>Мусоходжаева Дилорам Абдуллаевна</b> биология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот</b>	<b>В.Н.Городков номидаги Иваново оналик ва болалик илмий-тадқиқот институти</b> (Россия Федерацияси).

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50) e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50)

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.Ш.Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Казакова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Б.З.Хамдамов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Гинекологик касалликлар тузилишида аёллар жинсий аъзоларининг яллиғланиш жараёнлари биринчи ўринни эгаллаб, барча гинекологик патологияларнинг 60-65% ини ташкил этади. Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг юқори даражаси 15-24 ёшли аёлларда кўпроқ кузатилади, 30 ёшдан кейин уларнинг частотаси сезиларли даражада камаяди. «...Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари аёлларда репродуктив трактнинг юқори бўлмаларида барча яллиғланиш жараёнларини ўзида бирлаштиради, улар ҳам алоҳида нозологик шакл, ҳам турли уйғунликларда учрайди: эндометрит, сальпингит, оофорит, тубоовариал абсцесс, чаноқ перитонити»<sup>1</sup>. Бу касалликлар бутун дунёда жиддий тиббий, ижтимоий ва иқтисодий йўқотишлар билан боғлиқ, мураккаб, етарлича ўрганилмаган муаммони ўзида намоён этади.

Бутун дунёда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларига эрта ташҳис қўйиш, тезкор ва консерватив даволаш, олдини олиш ҳамда иммун-микробиологик жиҳатларига бағишланган, кўп сонли клиник, клиник-инструментал, лаборатор ва бошқа тадқиқот усуллари ўтказилмоқда. Улар инфекцияланиш даражаси ва яллиғланиш реакциясининг кучига боғлиқ равишда турли белгилар билан тавсифланиши, аёллар генитал тракти пастки бўлимига турли патоген ва шартли-патоген микроорганизмлар кириши ҳамда уларнинг кўпайиши учун қулай шароит мавжудлиги оқибатида ривожланиши белгиланган. Бундай шароитлар ҳайз цикли, туғруқдан кейинги давр, абортдан кейин, бачадон ичида турли амалиётларда, генитал ва экстрагенитал касалликлар, иккиламчи иммунитет етишмовчилиги ривожланганида яратилиши исботланган. Шу билан бирга касалликларнинг кечиши даврида ва якунида кичик чаноқ аъзоларида яллиғланиш касалликларининг этиологик тузилиши билан иммун ва цитокин ҳолатларнинг ўзаро боғлиқлиги, мазкур патологиянинг ривожланишида цитокинларнинг ўрнини ўрганишга бағишланган ишлар кам эканлигини айтиб ўтиш лозим.

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аёллар яллиғланиш касалликларига эрта ташҳис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «... аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Бу

<sup>1</sup> CDC, USA, 2006

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

чоралар мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини ошириш, ташҳис ва даволашнинг юқори технологик усуллари тadbиқ қилиш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган..

**Тадқиқот ишининг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг истиқболли йўналишларига мослиги.** Ушбу диссертация иши республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» истиқболли йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** XXI асрнинг дастлабки йиллари аксарият йирингли яллиғланиш касалликларининг (ЙЯК) этиология ва патогенезининг турли концепциялари шаклланаётган, одам иммун тизимининг мазкур патологияни, шу жумладан аёлларда кичик чанок аъзоларида яллиғланиш касалликлари (КЧАЯК) шаклланиши, ривожланиши ва якунида тутган ўрнига тобора кўп эътибор қаратилаётган янги давр ҳисобланади (Нажмитдинова Д.К., 2014; Абдиримова А.Д., 2017; Каттаходжаева М.Х. ва ҳаммуал., 2018). Бунга кўп жиҳатдан клиник тиббиётга иммун статусни баҳолашнинг янги усуллари, шу жумладан иммунофермент анализ (ИФА), иммун ва цитокин ҳолатлар, иммуногенетикани баҳолашнинг янги усуллари тadbиқ этилиши шароит яратмоқда. Этиологияда шартли-патоген микроорганизмлар (ШПМ) ҳиссаси ортиши бактериологик ташҳисни қийинлаштиради, бунда эрта ташҳис, шу жумладан аёлларда КЧАЯК иммунодиагностикаси зарур деб ҳисобланган (Юсупова У.М., 2015; Guedou F.A. et al., 2014).

Маълумки, ҳар қандай яллиғланиш жараёнининг ривожланиши асосида микроорганизм ва макроорганизм иммун тизимининг ўзаро муносабатлари ётади. Бундан ташқари, яллиғланиш жараёни якунига аёллар организмида, умумий ва маҳаллий гемостазнинг ҳолатини аниқлаб берувчи қатор аъзо ва тизимларнинг функционал ҳолати ҳам катта таъсир ўтказади (Зузова А.П., 2009; Гариб Ф.Ю., 2012; Мао А.Ж., Anastasy J.K., 2010). Қинда мавжуд деярли барча микроорганизмлар (*Lactobacillus spp*, *Bifidobacterium spp* дан ташқари) яллиғланиш жараёнида иштирок этиши мумкин (Нуралиев Н.А. ва ҳаммуал., 2015). Замоनावий босқичда 400 га яқин бактериялар ва 150 га яқин вируслар

одамда белгисиз кечадиган касалликларга олиб келади. Шундан келиб чиқиб, у ёки бошқа ШПМ аниқланиши доим ҳам ЙЯК ташҳисини белгилаш учун асос бўла олмайди. ЙЯК шаклланиши ва ривожланишида етакчи ўринни кўзгатувчининг вирулентлиги, юқиш массивлиги ва макроорганизм ҳолати эгаллайди (Мухамедов И.М. ва ҳаммуал., 2016; Muzny С.А., 2016).

КЧАЯК 60-70% ҳолатларда *Chlamydia trachomatis* ва *Neisseria gonorrhoea* томонидан чақирилиши, ушбу патологияни *Trichomonas vaginalis*, *Mycoplasma spp* ва *Ureaplasma spp* лар ҳам олиб келиши кўрсатилган. Бундан ташқари, спора ҳосил қилмайдиган грамманфий анаэроб микроорганизмлар ассоциациялари - *Peptostreptococcus spp*, *Clostridium spp*, грамманфий аэроб (*Enterobacteriaceae* оиласи), камроқ ҳолатда граммусбат кокклар (*Staphylococcus spp*, *Streptococcus spp*) ва *Enterococcus spp* яллиғланиш сабаби бўлиши мумкин (Абдиримова А.Д., 2016; Nelson D.V. et al., 2016).

Тадқиқотлар натижасида КЧАЯК га тегишли бўлган, ўткир йирингли сальпингитдан кейин касалликни бошидан кечирганларнинг 40% и бепушт бўлиб қолиши қайд этилган (Тихомиров А.Л., Сарсания С.И., 2009).

Ташҳис ва даволашнинг янги усуллари узлуксиз равишда яратилишига қарамасдан, аёлларда КЧАЯК га қарши кураш мураккаб ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда (Тихомиров А.Л., 2014; Kim Н.У. et al., 2015). Асосан, бу кўзгатувчиларнинг этиологик тузилишидаги ўзгаришлар, антибиотикка чидамлилиқнинг ривожланиши ва тарқалиши, шунингдек касалликнинг ривожланиш динамикасида беморларни иммун ва цитокин ҳолатлари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Юқорида келтирилганлар мазкур тадқиқот ўтказилишига асос бўлган.

**Диссертация тадқиқотини мавзусининг у бажарилган олий таълим муассасасида илмий-тадқиқот ишларининг режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтининг (05.2021 PhD 117) «COVID-19 инфекциясидан кейин Бухоро минтақаси аҳолиси соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг диагностикасида иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари билан оғриган аёлларда иммун статусни ўрганиш ва баҳолаш (сальпингит ва сальпингоофоритлар мисолида);

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида цитокин статусдаги ўзгаришлар боғлиқлигини баҳолаш;

кичик чаноқ аъзоларида яллиғланиш касалликлари мавжуд аёлларда асосий кўзгатувчилар ва иммун тизими кўрсаткичлари орасидаги боғлиқликни аниқлаш;

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида қўзғатувчилар турини инобатга олган ҳолда, ташҳис қўйишга асосланган иммунологик мезонлар ва иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Тадқиқотнинг объекти кичик чаноқ аъзоларида яллиғланиш касалликлари (сальпингитлар ва сальпингоофоритлар) ташҳисланган, фертил ёшдаги аёллар бўлган (n=102). Ёши бўйича репрезентатив, шу минтақада истиқомат қилувчи соғлом аёллар назорат гуруҳини ташкил қилган (n=15).

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида периферик қон, қон зардоби, цервикал каналдан олинган материаллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган мақсадга эришиш учун иммунологик, клиник-инструментал, микробиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари мавжуд аёлларда, касаллик қўзғатувчиси турига боғлиқ равишда иммун статус кўрсаткичлари - Т-лимфоцитлар, яллиғланишни қўлловчи ИЛ-17А ва яллиғланишга қарши ИЛ-10 цитокинлари миқдорида дисбаланс аниқланган;

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари кечишининг оғирлик даражаси, қўзғатувчилар тури ва бемор иммун статус кўрсаткичлари орасида бевосита кучли, тўғри ҳамда тесқари боғлиқликлар борлиги исботланганлиги асосида иммун статусни баҳолашда табақалаштирилган ёндашув зарурлиги аниқланган;

кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари ташҳисланган аёллар иммун тизимида функционал зўриқишни билдирувчи мезон сифатида иммунорегулятор индекс ва ушбу патологияда яллиғланиш жараёни даражасини аниқлашга имкон берувчи CD38+-хужайралар параметрларини истиқболни белгиловчи мезон сифатида қўлланилиши кўрсатиб берилган;

аёллар кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида касаллик қўзғатувчилари пейзажини эътиборга олиб, иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашув ишлаб чиқилган ҳамда мазкур патологияларга ташҳис қўйишнинг патогенетик асосланган иммунологик мезонлари - ИЛ-17А ва ИЛ-10 ни аниқлаш ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари мавжуд аёлларда касаллик қўзғатувчиси турига боғлиқ бўлган иммун тизим кўрсаткичларида дисбаланс борлиги исботлангани шу тоифа бемор аёлларда иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашув зарурлигини кўрсатган;

касаллик асосий қўзғатувчилари пейзажини эътиборга олган ҳолда, аёлларда кечган кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида иммун статусни баҳолаш учун ишлаб чиқилган табақалаштирилган ёндашув мазкур патологияга эрта ташҳис қўйишни яхшилаш имконини берган;



аёлларда кечган кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларига ташҳис қўйишнинг тавсия этилган патогенетик асосланган иммунологик мезонлари оптимал даволаш тактикасини танлаш имконини берган ва мазкур патология кечиши оғирлиги якуни истиқболини яхшилаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижалар ишончлилиги тадқиқотларда замонавий иммунологик, клиник-ускунавий, микробиологик ва статистик усулларнинг қўлланилиши, клиник материалнинг етарли миқдори, олинган натижаларнинг назарий ва амалий тасдиқланиши, уларнинг маҳаллий ва хорижий муаллифлар маълумотлари билан таққослаганда ишончлилиги, чиқарилган хулосалар, шунингдек ваколатли тузилмаларнинг хулосалари билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари мавжуд аёлларда, касаллик кўзғатувчисининг турига боғлиқ равишда иммун тизим кўрсаткичлари миқдорий дисбаланси кузатилганлиги, аниқланган ушбу кўрсаткичлар ўзгарувчанлигининг клиник кечиш параметрлари боғлиқлигининг ўзига хосликлари аниқланганлиги ушбу патология ташҳисланган аёллар иммун ҳолати асосий кўрсаткичлари, касаллик кўзғатувчилари тури ва касаллик кечиши оғирлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ҳисобга олган ҳолда бемор аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндашув ишлаб чиқилганлиги ҳамда мазкур патология ташҳисида патогенетик асосланган иммунологик мезонлар тавсия қилинганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида аёллар иммун статусини баҳолашга табақалаштирилган ёндашув клиник кечиш оғирлиги ва унинг якуни истиқболини белгилаш имконини берганлиги, аёлларда ушбу патология асосий кўзғатувчилари, иммун тизим кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, касаллик клиник кечишининг улар билан узвий боғлиқлиги мазкур патологияга эрта ташҳис қўйишни яхшилаш ҳамда оптимал даволаш тактикасини танлаш имконини бергани билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг тадбиқ қилиниши.** Аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларининг диагностикасида иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш бўйича натижалар асосида:

аёлларда кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишга имкон берувчи «Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликларида аёллар иммун статусини баҳолаш усули» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 18.09.2021 йилдаги 8н-р/784-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари билан касалланган аёллар иммун тизими кўрсаткичларини аниқлаш ва уларни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш имконини берган;

аёлларда кичик чанокъ аъзолари яллиғланиш касалликлари диагностикасида иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашувни ишлаб чиқиш ва шу асосда иммунологик мезонларни ишлаб чиқиш бўйича илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро шаҳар туғруқ комплекси, Бухоро шаҳар 4-сон оилавий поликлиниканинг гинекология бўлимида клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 12.10.2021 йилдаги 8нз/352-сонли хулосаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши кичик чанокъ аъзолари яллиғланиш касалликларида иммун статусни баҳолаш учун ишлаб чиқилган табақалаштирилган ёндашув усули мазкур патологияга эрта ташхис қўйишини яхшилаш ва иммунологик мезонлар асосида мазкур патология якуни истиқболни белгилашга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотлар долзарблиги ва зарурати, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ушбу тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Аёлларда кичик чанокъ аъзоларида яллиғланиш касалликларининг этиопатогенетик ва иммунологик жиҳатлари**» бўйича охириги йиллар илмий манбалар шарҳи келтирилган. Унда аёлларда КЧАЯК этиологияси, унга ташхис қўйиш ва даволаш асослари, ривожланиш хавф омиллари, таснифи келтирилган. Ушбу касалликлар учраган аёлларда иммун тизим ҳолати, иммунокоррекцияловчи воситалардан фойдаланиш самарадорлиги келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида «**Кичик чанокъда яллиғланиш касалликлари мавжуд аёлларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар ҳажми, материаллари ва усуллари**» ўрганилган бемор аёллар контингентига таъриф, фойдаланилган замонавий усуллар батафсил келтирилган.

Беморлар ҳолатини баҳолаш ЖССТ экспертлари тавсияларига мувофиқ амалга оширилган (WHO, Geneva, 2012). Тадқиқотлар 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган даврда Бухоро шаҳар туғруқхонаси гинекология бўлимида даволанган, КЧАЯК мавжуд, фертил ёшдаги (19-49 ёш) 102 нафар аёл текширилган. Назорат гуруҳини сўнгги 6 ойда КЧАЯК аниқланмаган 15 нафар аёл ташкил қилган.

Клиник тавсиф фақат асосий гуруҳдаги бемор аёлларга берилган, чунки назорат гуруҳидаги текширилувчилар асосий гуруҳга репрезентатив бўлган. Аксарият аёллар шаҳарда яшаши аниқланган ( $83,3 \pm 3,7\%$ ,  $n=85$ ), қолганлари қишлоқ жойларда доимий истиқомат қилишган ( $16,7 \pm 3,7\%$ ,  $n=17$ ). Бемор аёлларни иш жойи ва касби бўйича тақсимланиши куйидаги натижаларни кўрсатган: уй бекалари  $34,3 \pm 4,7\%$  ( $n=35$ ); ишчилар  $20,6 \pm 4,0\%$  ( $n=21$ ); тиббиёт ҳамширалари  $14,7 \pm 3,5\%$  ( $n=15$ ); мактаб ўқитувчилари  $7,8 \pm 2,7\%$  ( $n=8$ ); мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари  $4,9 \pm 2,1\%$  ( $n=5$ ); хизматчилар  $4,9 \pm 2,1\%$  ( $n=5$ ); вақтинча ишсиз аёллар  $12,7 \pm 3,3\%$  ( $n=5$ ).

Ҳомиладорликлар сонининг таҳлили шуни кўрсатдики, 1 ҳомиладорлик 14 нафар аёлда ( $13,7 \pm 3,4\%$ ), 2 ҳомиладорлик 31 ( $30,4 \pm 4,6\%$ ), 3 ҳомиладорлик 33 ( $32,4 \pm 4,6\%$ ), 4 ҳомиладорлик 12 ( $11,8 \pm 3,2\%$ ), 5 ҳомиладорлик 9 ( $8,8 \pm 2,8\%$ ), 6 ва ундан ортиқ ҳомиладорлик эса тадқиқотга жалб қилинган 3 нафар аёлда ( $2,9 \pm 1,7\%$ ) кузатилган.

Аёлларда икки томонлама сальпингит ва сальпингоофорит ушбу патологияларнинг бир томонлама (ўнг ёки чап) учрашига нисбатан кўпроқ учраши билан тавсифланган. Агар икки томонлама ўткир сальпингоофорит ( $36,3 \pm 4,8\%$ ,  $n=37$ ) ва икки томонлама ўткир сальпингит ( $17,6 \pm 3,8\%$ ,  $n=18$ ) жами  $53,9\%$  ҳолатда қайд этилган бўлса, қолган ҳолатларда ( $42,1\%$ ) кичик чанок аъзоларининг бир томонлама яллиғланиш ташҳиси қўйилган.

Яллиғланиш томонлари солиштирилганда амалий жиҳатдан тафовут кузатилмаган, ўзаро ишончли фарқ аниқланмагани эътироф этилган ( $P>0,05$ ): ўнг томонлама ўткир сальпингоофорит  $15,7 \pm 3,6\%$  ( $n=16$ ); ўнг томонлама сальпингит  $8,8 \pm 2,8\%$  ( $n=9$ ); чап томонлама ўткир сальпингоофорит  $10,8 \pm 3,1\%$  ( $n=11$ ); чап томонлама сальпингит  $10,8 \pm 3,1\%$  ( $n=11$ ).

Текширилган беморларда асосий касалликлардан ташқари ёндош касалликлар ҳам аниқланган, улар орасида энг кўп учраган хасталик 1-даражали анемия ( $48,0 \pm 4,9\%$ ,  $n=49$ ) бўлган. Бундан ташқари, куйидаги нозологик бирликлар ҳам аниқланган: 2-даражали анемия ( $15,7 \pm 3,6\%$ ,  $n=16$ ); 3-даражали анемия ( $9,8 \pm 2,9\%$ ,  $n=10$ ), колпитлар ( $3,9 \pm 1,9\%$ ,  $n=4$ ); бачадон бўйинчаси эрозияси ( $2,0 \pm 1,4\%$ ,  $n=2$ ) ва бачадон миомаси ( $1,0 \pm 0,9\%$ ,  $n=1$ ).

КЧАЯК кузатилган бемор аёллар тиббиёт муассасасига малакали тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилганларида уларнинг шикоятлари бўйича олинган натижалари таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Натижалар таҳлили шуни кўрсатганки, амалий жиҳатдан барча бемор аёллар қорин пастидаги оғриқларга ( $100,0\%$ ,  $n=102$ ) шикоят қилишган, бунда улардан 45 нафари ( $44,1 \pm 4,9\%$ ) кўшимча тарзда, оғриқнинг анал тешигига иррадиациясини кўрсатишган, шунингдек, 7 нафар ( $6,9 \pm 2,5\%$ ) аёлда эса қорин пастида хуружсимон оғриқлар аниқланган.

Суриштирув ва гинекологик текширувлар натижасида текширилган аёллар жинсий йўлларида кўп миқдорда ажралмалар ( $52,9 \pm 4,9\%$ ,  $n=56$ ) ҳамда қиндан йирингли ажралмалар ( $59,8 \pm 4,9$ ,  $n=61$ ) келаётгани аниқланган. Бу клиник ҳолатлар аёл организмида патологик ҳолат яллиғланиш жараёни сифатида кечаётганини кўрсатган. Махсус гинекологик шикоятлар қаторида умумий соматик симптомлар ёки интоксикация белгиларига ҳам кўп аёллар шикоят қилишганини эътироф этиш жоиз. Тиббий ёрдамга мурожаат қилганлар орасида 90 нафари ( $88,2 \pm 3,2\%$ ) умумий ҳолсизлик, 56 нафари ( $54,9 \pm 4,9\%$ ) тана ҳарорати  $37,5^\circ\text{C}$  ва ундан юқори бўлиши, 28 нафари ( $27,5 \pm 4,4\%$ ) эса дармонсизликни қайд этишган.

КЧАЯК га ташхис қўйишнинг мақбул ва замонавий клиник усули касалликларни назорат қилиш ва олдини олиш бўйича Миллий марказ (CDC, USA) таклиф қилган ёндашув ҳисобланади. Қўйилган ташхисни аниқлаштириш ва тасдиқлаш учун «P25 EXPERT» (АҚШ) фирмаси қурилмаси ёрдамида ултратовушли тадқиқот (УТТ) ўтказилган.

Бемор ва соғлом аёллар организмида иммун тизимининг ҳолати CD-дифференцияловчи ва активацияловчи антигенлар экспрессияси бўйича баҳоланган. Иммунокомпетент ҳужайраларнинг қуйидаги маркёрлари аниқланган: CD3+-, CD4+-, CD8+-, CD16+-, CD23+-, CD25+-, CD38+-, CD71+-, CD95+-лимфоцитлар. CD рецепторлар экспрессияси Гариб Ф.Ю. ва ҳаммуал. (1995) усули бўйича «Сорбент» МЧЖ (РФ) ишлаб чиқарган ЛТ серияли моноклонал антителолар ёрдамида розетка ҳосил қилиш реакциясида ўтказилган. Иммунорегулятор индекс (ИРИ) - CD4+-ҳужайраларнинг CD8+-ҳужайраларга нисбати ҳисобланган.

Текширилувчилар қон зардобидаги IgM, IgA ва IgG концентрациялари Манчини (1963) бўйича радиал иммунодиффузия усулида аниқланган.

Цитокин статуси қон зардобида қаттиқ фазали ИФА йўли ва олинган натижаларнинг таҳлили билан баҳоланган. Бу вариантни амалга ошириш учун ИЛ-10 ва ИЛ-17А ларга турли этиотроп ихтисосликка эга иккитадан моноклонал антителолардан фойдаланилган. Бунда «Цитокин» (Санкт-Петербург, РФ) тест тўпламидан фойдаланилган. Барча тадқиқотлар Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда ЎзР ФА Иммунология ва одам геномикаси институтида ўтказилган.

Кўзгатувчилар идентификацияси Bergy's Manual Systematic Bacteriology (1997) бўйича *Enterobacteriaceae* оиласи, *Staphylococcus spp.*, *Streptococcus spp.*, *Candida spp.* авлодлари таксономик белгилари бўйича ўтказилган, унда «HiMedia» (Ҳиндистон) фирмаси озик муҳитларидан фойдаланилган. ИФА «Human Gesellschaft Biochemica und Diagnostica» (Германия) компанияси «Human Reader HS» анализаторида ўтказилган.

Олинган материални статистик ишлаш вариацион статистика усуллари ёрдамида «Excel» дастуридан фойдаланиб, амалга оширилган. Статистик ишлов «Pentium IV» процессорлари асосидаги персонал компьютерда тиббий-биологик тадқиқотлар учун дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда бажарилган. Олинган маълумотларнинг статистик ишлаб чиқилиши қуйидаги параметрларни эътиборга олиб ўтказилган: ўрта

арифметик катталиқ (M), ўрта арифметик катталиқ хатоси (m), ишончли оралик. Агар эҳтимол даражаси  $P < 0,05$  бўлса, фарқлар ишончли, деб олинган. Тадқиқотларни ташкил қилиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг учинчи бобида «**Кичик чаноқ аъзолари яллиғланиш касалликлари ташҳисланган аёллар иммун тизими кўрсаткичларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари**» иммун тизими кўрсаткичлари қиёсий баҳоланган.

КЧАЯК билан касалланган аёллар қонида лейкоцитларнинг умумий сони назорат гуруҳидаги соғлом аёллардан олинган маълумотларга нисбатан 1,19 марта кўп бўлган (1-жадвал). Мазкур қийматлар организмда йирингли-яллиғланиш патологияси мавжудлигидан дарак берган. Бемор аёлларда лимфоцитлар нисбий миқдори назорат гуруҳидаги маълумотларга нисбатан 1,24 мартага камайган ( $24,05 \pm 1,08\%$  га қарши  $29,86 \pm 1,07\%$ ,  $P < 0,05$ ).

**1-жадвал**

**КЧАЯК билан оғриган аёлларда иммунологик параметрларнинг қиёсий кўрсаткичлари,  $M \pm m$**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=15	КЧАЯК кузатилган аёллар, n=102
Лейкоцитлар, $10^9/\text{л}$	$5952 \pm 61$	$7071 \pm 107^* \uparrow$
Лимфоцитлар, %	$29,86 \pm 1,07$	$24,05 \pm 1,08^* \downarrow$
Лимфоцитлар, 1 мкл қонда	$1777 \pm 65$	$1701 \pm 116 \leftrightarrow$
CD3+-хужайралар, %	$61,42 \pm 1,35$	$46,20 \pm 0,39^* \downarrow$
CD3+-хужайралар, 1 мкл қонда	$1091 \pm 88$	$786 \pm 45^* \downarrow$
CD4+-хужайралар, %	$30,56 \pm 0,60$	$28,32 \pm 0,41^* \downarrow$
CD4+-хужайралар, 1 мкл қонда	$543 \pm 39$	$482 \pm 48 \leftrightarrow$
CD8+-хужайралар, %	$22,39 \pm 0,78$	$25,34 \pm 0,38^* \uparrow$
CD8+-хужайралар, 1 мкл қонда	$398 \pm 51$	$431 \pm 44^* \uparrow$
ИРИ, бирлик	$1,36 \pm 0,01$	$1,12 \pm 0,01 \downarrow$
CD71+-хужайралар, %	$21,43 \pm 1,13$	$25,95 \pm 0,82^* \uparrow$
CD71+-хужайралар, 1 мкл қонда	$381 \pm 73$	$441 \pm 95 \leftrightarrow$

Эслатма: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар ишончилиги;  $\uparrow$ ,  $\downarrow$  - назорат гуруҳига нисбатан ўзгаришлар йўналиши;  $\leftrightarrow$  - ишончилиқ мавжуд эмас.


CD3+-хужайралар нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,33 ва 1,39 мартага камайган ( $P < 0,05$ ). Бу беморлар организмда иккиламчи иммунодефицит, хусусан Т-иммунодефицит борлигини кўрсатган. CD3+-хужайралар нисбий миқдори Т-лимфоцитлар

функционал фаоллигини англантишини эътиборга олиш лозим, шунда мазкур кўрсаткичнинг ҳақиқий ҳолатини КЧАЯК мавжуд текширилган аёлларнинг периферик қонида уларнинг нисбий миқдорини ҳисобга олиб баҳолаш лозим.

КЧАЯК кузатилган бемор аёлларда CD4+-хужайралар нисбий миқдори кам даражада, лекин назорат гуруҳининг маълумотларига нисбатан ишончли, 1,08 мартага камайган ( $P<0,05$ ), лекин таққосланаётган гуруҳлар ўртасида бу хужайралар мутлоқ кўрсаткичлари бўйича ишончли фарқ аниқланмаган ( $P>0,05$ ). Кўрсаткичлар ўртасидаги бундай фарқ ишончилиқни аниқлаш учун зарур бўлган ўрта арифметик хато ( $m$ ) кўрсаткичларининг катталиги билан тушунтирилган. CD4+-хужайралардан фарқли CD8+-хужайралар ҳам нисбий, ҳам мутлоқ кўрсаткичлари бирдек ишончли ошган ( $P<0,05$ ). Беморларда нисбий кўрсаткичлар ишончли ўсиши 1,13 мартани ва мутлоқ 1,08 мартани ташкил этган. Бемор аёлларда ИРИ  $1,12\pm 0,01$  бирликка тенг бўлган бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич  $1,36\pm 0,01$  бирликка тенг бўлган ( $P<0,001$ ). ИРИ нинг бемор аёлларда соғломларга нисбатан 1,21 марта камайганлиги иммун тизимида ЙЯК натижасида функционал зўриқиш борлигини билдирувчи мезон эканлигини кўрсатган.

Аниқланишича, CD71+-хужайралар нисбий миқдори бемор аёлларда соғломларга нисбатан 1,21 мартага ишонарли камайган ( $P<0,05$ ).

Келтирилган расмда иммун тизим нисбий кўрсаткичлари орасидаги дисбаланс аниқ кўриниб туриши баробарида, улар орасидаги ишонарли ўзгаришни англаш қийин эмас. Бу айниқса, лимфоцитлар умумий миқдори, CD3+-хужайралар ва ИРИ параметрлари бўйича аниқ кўриниб турибди.



**Расм. КЧАЯК кузатилган ва соғлом аёллар иммун тизими нисбий кўрсаткичларининг қиёсий таҳлил натижалари, %**

Нисбий кўрсаткичлар билан бир қаторда мутлоқ параметрларга ҳам баҳо берилган. Улардаги ўзгаришлар тенденцияси нисбий параметрлардаги ўзгаришларга яқин бўлгани, юқорида келтирилган иммун тизимидаги дисбаланс бу ҳолатда ҳам такрорланганига гувоҳ бўлинган.

Шундай қилиб, КЧАЯК кузатилган бемор аёллар организми иммун тизимида касаллик бошланиш даврида, стационарга тушган биринчи-иккинчи кунларда куйидаги ўзига хос хусусиятлар аниқланган:

биринчидан, лейкоцитлар умумий миқдори назорат гуруҳи аёллари кўрсаткичларига нисбатан ишонарли юқори бўлган, бу ҳолат беморлар организмида бактериал этиологияли ЙЯК ривожланиши билан изоҳланган;

иккинчидан, лимфоцитлар нисбий кўрсаткичлари пасайиши кузатилган, бу ҳолат организм иммун тизимида кўзғатувчиларнинг бевосита ва билвосита таъсири (антиген стимули) билан изоҳланган;

учинчидан, Т-лимфоцитлар нисбий ва мутлоқ миқдори ишонарли камайиши Т-иммунодефицит ривожланганлигини кўрсатган;

тўртинчидан, Т-лимфоцитлар асосий субпопуляциялари дисбаланси борлиги иммун тизими фаолиятида сезиларли зўриқиш борлигидан далолат;

бешинчидан, ИРИ нинг назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишонарли даражада пасайиши иккиламчи иммунодефицит ривожланиши асосий мезонларидан бири сифатида талқин этилган;

олтинчидан, В-лимфоцитлар миқдори КЧАЯК кузатилган аёлларда назорат гуруҳи параметрларига нисбатан ишонарли равишда ошиши иммунокомпетент хужайраларнинг бир бирини ўрнини тўлдириши билан изоҳланган. Иммун тизими компонентларидан бири камайиши бошқасининг кўпайишига олиб келиши беморлар иммун статусига баҳо бериб, таҳлил қилишида ҳисобга олиниши лозим.

Бемор аёллар Т- ва В-лимфоцитлар тизимида баҳо бериш билан бир қаторда бошқа иммунокомпетент хужайралар нисбий ва мутлоқ миқдорлари ҳам таҳлил қилинган. CD25+-хужайралар нисбий кўрсаткичи КЧАЯК кузатилган аёлларда соғлом аёлларга нисбатан бирмунча ошган (2-жадвал).

Бу аниқланган кўпайиш ўртача 1,17 мартани ташкил этиб, кўрсаткичлар бир биридан бемор аёллар томонга статистик жиҳатдан ишонарли силжигани билан тафовутланган ( $P < 0,05$ ). Миқдорий кўрсаткич таҳлил қилинганда нисбий параметрлар ўзгаришлари тенденцияси сақланиб қолган. Ушбу билан юзасида лимфоцитлар эрта фаоллашуви маркёрини тутувчи лимфоцитлар мутлоқ ва нисбий миқдорлари бир хил ҳолатда ошгани кузатилган. Бу лимфоцитлар организмдаги патологик ҳолат туфайли (КЧАЯК) миқдор жиҳатдан ошиб иммун жавобни таъминлаётганлари кузатилган.

Аммо, CD95+-хужайралар бўйича тескари манзара кузатилган, бемор аёллар қонида ушбу хужайралар нисбий ва мутлоқ сонлари назорат гуруҳи аёллари кўрсаткичларига нисбатан ишонарли камайган ( $P < 0,05$ ). Бу ҳолат хужайраларнинг апоптозга тайёргарлигини белгиловчи лимфоцитлар (CD95+-хужайралар) фаолияти пасайгани, бу уларнинг миқдор жиҳатдан камайиши билан боғлиқлигини кўрсатади. Аниқланган ҳолат иммун тизимидаги зўриқиш билан боғлиқлиги исботлаб берилган.

КЧАЯК кузатилган аёллар периферик қонида CD16+-хужайралар нисбий миқдори соғлом аёллар шу параметрига нисбатан 2,02 мартага ишонарли ошгани аниқланган ( $P < 0,001$ ). Ушбу тенденция, табиийки, шу

хужайралар мутлоқ сони кўрсаткичларида ҳам кузатилган, беморларда кўпайиш 1,93 мартани ташкил этган ( $P < 0,001$ ).

## 2-жадвал

### КЧАЯК да лимфоцитлар эрта фаоллашуви ва хужайралар апоптозга тайёргарлигини белгиловчи маркёрларни тутувчи лимфоцитлар ва табиий киллерлар параметрларнинг қиёсий кўрсаткичлари, $M \pm m$

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи, n=15	КЧАЯК кузатилган аёллар, n=102
CD25+-хужайралар, %	20,6±0,97	24,20±0,47* ↑
CD25+-хужайралар, 1 мкл қонда	367±17	412±8* ↑
CD95+-хужайралар, %	26,63±0,51	23,73±0,37* ↓
CD95+-хужайралар, 1 мкл қонда	473±9	404±6* ↓
CD16+-хужайралар, %	12,70±0,50	25,63±0,37* ↑
CD16+-хужайралар, 1 мкл қонда	226±9	436±6* ↑

Эслатма: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар ишончилиги; ↑, ↓ - назорат гуруҳига нисбатан ўзгаришлар йўналиши.

КЧАЯК ташҳисланган аёлларда CD38+-хужайралар нисбий миқдори назорат гуруҳи параметрларига нисбатан 1,27 мартага ишонарли ( $P < 0,05$ ) ошгани аниқланган. Аниқланган мутлоқ кўрсаткичлар бўйича ҳам шу тенденция сақланиб қолган - тафовут 1,21 мартага тенг ( $P < 0,05$ ). Шунга ўхшаш натижалар CD23+-хужайралар аниқланганда ҳам кузатилган. Маълумки, CD23+-маркёр IgE учун ҳам рецептор вазифасини бажаради ва аллергия реакциялар кучайишида, аста-секин ва дарҳол юзага чиқадиган юқори сезувчанлик жараёнлари келиб чиқишида иштирок этади. Ушбу хужайралар нисбий ва мутлоқ миқдори бемор аёлларда соғлом аёлларга нисбатан мос равишда 1,86 ва 1,78 мартага фарқ қилгани, ҳар иккала ҳолатда ҳам кўрсаткичлар ишонарли даражада ( $P < 0,001$ ) ошгани эътироф этилган. Шунингдек, Хамдамов Б.З. (2019) томонидан CD38+-хужайраларни аниқлаш юқори ахборотга эгаллиги таъкидланиб, қўшимча иммунодиагностика мезони сифатида тавсия қилинганини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўрсаткич КЧАЯК да яллиғланиш жараёни даражасини аниқлашга имкон берувчи прогностик мезон сифатида ҳам тавсия этилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида «**Иммун тизими гуморал бўғини ва цитокин статусга тавсиф**» берилган, талқини ва таҳлили келтирилган.

Имуноглобулинларнинг аниқланган дисбаланси қуйидагиларга боғлиқ бўлиши аниқланган:

биринчидан, кўпчилик беморларда бирламчи антиген стимуляцияси кузатилган, шунинг оқибатида IgM миқдори кўп, IgG концентрацияси кам аниқланган;



иккинчидан, бемор аёллар асосан яллиғланш жараёнининг бошланғич даврида госпитализация қилинган, шу сабабли IgG ва IgA концентрациялари етарли даражада ишлаб чиқарилишга улгурмаганлиги туфайли соғлом аёллар параметрларидан кам бўлган;

учинчидан, ушбу беморларнинг кўп қисмида иккиламчи антиген стимуляцияси кузатилмаган, бу организмга тушган антигенлар миқдорининг камлиги билан изоҳланган;

тўртинчидан, антиген стимуляциясини таъминлаган ва яллиғланиш жараёнини чақирган патоген микроорганизмларнинг организмга биринчи марта тушиб, патологик ҳолат келтириб чиқарган;

бешинчидан, КЧАЯК да организм иммун статуси, иммуноглобулинлар концентрациясини касаллик кечиши динамикасида аниқлаш билан бирга кўзгатувчиларни тўлиқ идентификация қилиш ҳамда иммуно-микробиологик мутаносибликни аниқлаш зарур.

Шунга кўра яллиғланишни қўлловчи ИЛ-17А ва яллиғланишга қарши ИЛ-10 цитокинлари концентрациясини КЧАЯК ташхисланган аёлларда (n=102) ва назорат гуруҳида (n=15) аниқланган (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### КЧАЯК ташхисланган аёллар қон зардобидаги цитокинларнинг солиштирма кўрсаткичлари

Цитокинлар	Назорат гуруҳи, n=15	КЧАЯК ташхисланган аёллар, n=102
ИЛ-17А, пг/л	3,86±0,62	92,01±2,23* ↑
ИЛ-10, пг/л	17,80±0,87	58,75±2,06* ↑

Эслатма: \* - назорат гуруҳи маълумотларига нисбатан фарқлар ишончилиги; ↑ - назорат гуруҳига нисбатан ўзгариш йўналиши.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, КЧАЯК кузатилган аёллар қон зардобида ИЛ-17А концентрацияси ошган бўлиб, меъёр кўрсаткичларидан 23,84 мартага кўпайгани аниқланган (P<0,001). Бундай катта фарқ яллиғланиш жараёни ривожлангани, шунингдек ушбу жараённи қўлловчи фаол цитокин миқдори кўпайганининг белгисидир. Яллиғланишга қарши ИЛ-10 цитокини яллиғланиш жараёни ривожланишига қаршилик кўрсатиб, уни сўндириш учун хизмат қилган, ушбу цитокин ҳам назорат гуруҳи ўртача параметрларидан 3,30 мартага кўп бўлган (P<0,001). КЧАЯК кузатилган аёлларда яллиғланиш жараёни интенсивлик даражасини аниқлаш учун ҳар иккала цитокинни (ИЛ-17А ва ИЛ-10) баравар аниқлаб, солиштирма таҳлили натижаси яллиғланиш ривожланиши якунининг прогностик мезони сифатида тавсия этилган. Улар аниқланиш орасидаги фарқ нисбатини бўлса, доим аниқлаб бориш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобланган.

Диссертациянинг бешинчи бобида «Аёлларда кузатилган кичик чанок аъзолари яллиғланиш касалликлари микробиологик тавсифи ва клиник-иммунологик параметрлар билан боғлиқлиги» келтирилган.

Аниқланишича, ўрганилган 102 нафар бемор аёлларнинг 101 нафарида мусбат бактериологик натижа олинган. Бактериологик текширишлар давомида жами 133 та кўзгатувчилар штаммлари ундирилган (ўртача ҳар бир бемор аёлга 1,32 та) бўлиб, 101 бемор аёлнинг 75 нафарида ( $74,26 \pm 4,35\%$ ) монокультура, 26 нафарида ( $25,74 \pm 4,35\%$ ) кўзгатувчилар ассоциациялари ажратиб олинган. Ушбу микроорганизмлар ассоциациялари 20 та ( $76,92 \pm 8,26\%$ ) ҳолатда 2 та кўзгатувчи, 6 та ( $23,08 \pm 8,26\%$ ) ҳолатда эса 3 та кўзгатувчи микроорганизмлар ассоциациялари кўринишида учраган.

Кўзгатувчиларнинг монокультура кўринишида учраш даражаси бўйича етакчилик *S.epidermidis* га таалукли бўлган - барча монокультура кўринишидаги ( $n=75$ ) кўзгатувчиларнинг  $38,67 \pm 5,62\%$  ( $n=29$ ). Бу кўзгатувчи бошқа касаллик чақирган монокультура вакиллари билан ишонарли юқорилиги билан ажралиб турган ( $P < 0,05$ ). Учраш бўйича кейинги ўринларда *S.aureus* ( $25,33 \pm 5,02\%$ ,  $n=19$ ), *P.aeruginosa* ( $14,67 \pm 4,09\%$ ,  $n=11$ ), *E.coli* ( $10,67 \pm 3,56\%$ ,  $n=8$ ) бўлишган. *Streptococcus spp* ва анаэроблар (*Bacteroides spp*) монокультура шаклида кам учраган кўзгатувчилар қаторига киритилган - мос равишда 4 штаммдан ( $5,33 \pm 2,59\%$ ). Шунингдек, граммусбат кокклар грамманфий бактерияларга нисбатан ишонарли равишда кўп учраган - мос равишда  $69,33 \pm 5,32\%$  ва  $25,33 \pm 5,02\%$  ( $P < 0,001$ )

Монокультура ва микроорганизмлар ассоциацияси сифатида учраган барча 133 та штамми авлод ва турлараро тақсимлаш шуни кўрсатганки, бундай ҳолатда ҳам *S.epidermidis* учраш бўйича етакчилик қилган - 44 та штамм ( $44,56 \pm 4,93\%$ ,  $P < 0,05$ ). Шулардан 29 таси монокультура кўринишида ва 15 таси микроорганизмлар ассоциацияси шаклида идентификация қилинган. Кейинги ўринда *S.aureus* жойлашган -  $21,78 \pm 4,11\%$ , уларнинг 19 таси монокультура ва 3 таси микроорганизмлар ассоциацияси шаклида учраган. Патоген олтинранг стафилоккокнинг асосан монокультура кўринишида учраши эътирофли ҳолат сифатида талқин қилинган.

Кейинги ўринда *Candida spp* жойлашган бўлиб, барча штаммларнинг  $15,84 \pm 3,63\%$  ини ( $n=16$ ) ташкил этган. Ушбу кўзгатувчи монокультура кўринишида бирон марта ҳам учрамаган, барча ҳолатда ассоциациялар кўринишида учраган. Бу унинг бошқа микроорганизмлар фонидагина учраб, улар чақирган КЧАЯК кечишини оғирлаштирибгина қолмай, балки даво тактикасини ҳам ўзгартиришни, антимикроб терапия билан бирга антимикотик препаратларни ҳам қўллашни тақозо этган.

*P.aeruginosa* 14 та ҳолатдан фақат 3 та штаммгина микроорганизмлар ассоциацияси сифатида бошқа кўзгатувчилар билан бирга, 11 та ҳолатда эса монокультура кўринишида кўзгатувчи сифатида унган. *P.aeruginosa* нинг кўзгатувчи сифатида учраши бемор аёллардаги иммун тизимидаги етишмовчилик билан боғлиқ.

Бошқа грамманфий бактериялар (*E.coli*, *Proteus spp*, *Klebsiella spp*) кам миқдорда аниқланган, улардан асосийлари *Proteus spp* ва *Klebsiella spp* фақат микроорганизмлар ассоциацияси сифатида учраган.

Унган граммусбат коккларнинг бир бирига нисбати ўрганилганда, патогенмас коккларнинг учраш даражаси патогенларига қараганда юқорилиги кўринган. Асосий кўзгатувчилар сифатида *S.epidermidis* ва *S.aureus* ва бошқа граммусбат коккларнинг бўлиши даво тактикасига шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда ўтказишни, шаклланган яллиғланиш жараёнини антибактериал препаратлар билан даволашгача антибиотикларга сезувчанликни ҳар бир штамм бўйича ўтказишни тақозо этади. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, *S.aureus* ва *E.coli* етакчи кўзгатувчилардан бўлишган.

Граммусбат кокклар ва грамманфий бактериялар учраш кўрсаткичлари таҳлил қилинганда қуйидаги ўзига хос хусусиятлар аниқланган:

биринчидан, граммусбат кокклар аёлларда КЧАЯК нинг асосий кўзгатувчилари сифатида учраб, грамманфий бактерияларга нисбатан 2,30 марта кўп учраган;

иккинчидан, граммусбат коккларнинг асосий қисми (68,42%) монокультура кўринишида кўзгатувчи сифатида учраган бўлса, грамманфий бактерияларда бу яққол намоён бўлмаган (57,58%);

учинчидан, граммусбат кокклардан монокультура сифатида *S.aureus* энг кўп учраган бўлса, грамманфий бактериялардан *P.aeruginosa* бўлган;

тўртинчидан, микроорганизмлар ассоциациялари 2 микроорганизмли (20 та ҳолат) ва 3 микроорганизмли (6 та ҳолат) бўлган;

бешинчидан, 101 нафар КЧАЯК кузатилган аёллардан 133 та штамм унгани ҳолда уларнинг 56,39% и монокультура, 43,61% и микроорганизмлар ассоциацияларига таалуқли бўлган.

Аёлларда ташҳисланган КЧАЯК микробиологик жиҳатларидан эътиборни тортадиган яна 2 та ҳолатни келтириб ўтиш лозим: *Candida spp* нинг унган барча 16 та штамми микроорганизмлар ассоциацияларига таалуқли бўлган. Улар асосан граммусбат, грамманфий ва анаэроблар билан ассоциацияда учраган; *Bacteroides spp* (анаэроб) барча штаммларнинг 6,02% ини ташкил этиб, бир хил нисбатда монокультура ва кўзгатувчилар ассоциацияси кўринишида учраган. Ассоциация шаклида уларнинг фақат *Candida spp* билан биргаликда учрагани эътиборли ҳолатдир.

Бактериологик усуллар ёрдамида кўзгатувчилар ва ИФА ёрдамида TORCH-инфекцияларга қарши антителолар титрлари аниқланиб, натижалар таҳлил қилинган, уларнинг КЧАЯК клиникаси ва иммун тизими кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ўрганилган. Аёлларда кечган КЧАЯК кўзгатувчиси *S.aureus* бўлганда барча микроорганизмлар антигенларига қарши антителолар аниқланиши мусбат намуналари фоизи *S.epidermidis* га нисбатан ишонарли юқори бўлган ( $P<0,001$ ). *S.epidermidis* кўрсаткичларига яқин, бироқ, ишонарсиз равишдаги натижалар *Streptococcus spp* бўйича кузатилган, *S.aureus* параметрлари билан амалий жиҳатдан бир хил натижалар *E.coli* бўйича ҳам олинган ( $P>0,05$ ).

Аниқланишича, кўзгатувчининг патогенлиги қанчалик юқори бўлса, генитал инфекциялар этиологик агентлари антигенларига қарши антителолар

мусбат титри шунчалик кўп аниқланади, клиник кечиш оғир ва давомли бўлади, иккиламчи иммунодефицит аломатлари юзага чиқади. Бу ҳолатлар орасидаги боғлиқликларнинг кўрсатиб берилиши эрта ташҳис қўйиш, даволаш тактикасини аниқлаш ва иммун статусга баҳо беришда табақалаштирилган ёндашув зарурлигини кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. КЧАЯК кузатилган аёлларда Т-иммунодефицит ривожланганлиги аниқланди, CD4+-хужайралар ишонарли пасайиши ва CD8+-хужайралар кўпайиши иммун тизими фаолиятида зўриқиш борлигидан далолат берди. CD25+-хужайралар миқдори ишонарли ошди, CD95+-хужайралар миқдори камайди, CD38+- ва CD23+-хужайралар миқдорлари 1,27 ва 1,86 мартага юқори бўлди, қон зардобида IgG ва IgA параметрлари мос равишда 1,43 ва 1,15 мартага ишонарли кам, IgM концентрацияси 1,81 мартага ишонарли кўплиги билан тавсифланди.

2. КЧАЯК кузатилган аёллар қон зардобида ИЛ-17А концентрацияси меъёр кўрсаткичларидан 23,84 мартага, ИЛ-10 3,30 мартага кўпайгани аниқланди. Бундай катта фарқ яллиғланиш жараёни ривожлангани, ушбу жараённи қўлловчи ва унга қарши фаол цитокинлар миқдорлари кўпайгани белгисидир. КЧАЯК кузатилган аёлларда яллиғланиш жараёни интенсивлик даражасини аниқлаш учун ИЛ-17А ва ИЛ-10 ни аниқлаб, таҳлили натижаси яллиғланиш ривожланиши якуни прогностик мезони сифатида тавсия этилди.

3. Қўзғатувчилар ва TORCH-инфекцияларга қарши антителолар титрлари КЧАЯК клиникаси ва иммун тизими кўрсаткичлари билан боғлиқлиги исботланди. Қўзғатувчининг патогенлиги қанчалик юқори бўлса, генитал инфекциялар этиологик агентлари антигенларига қарши антителолар мусбат титри шунчалик кўп аниқланди, клиник кечиш оғир ва давомли бўлди, иккиламчи иммунодефицит аломатлари юзага чиқди. Бу ҳолатлар орасидаги боғлиқликларнинг кўрсатиб берилиши эрта ташҳис қўйиш, даволаш тактикасини аниқлаш ва иммун статусга баҳо беришда табақалаштирилган ёндашув зарурлигини кўрсатди.

4. КЧАЯК ташҳисланган аёллар иммун тизимида функционал зўриқишни билдирувчи мезон сифатида ИРИ, яллиғланиш жараёни даражасини аниқлашга имкон берувчи CD38+-хужайралар параметрларини истиқболни белгиловчи мезон сифатида қўлланилиши кўрсатилди. Касаллик қўзғатувчилари пейзажини эътиборга олиб, иммун статусни баҳолашга табақалаштирилган ёндашув ишлаб чиқилди ҳамда мазкур патологияларга ташҳис қўйишнинг патогенетик асосланган иммунологик мезонлар - ИЛ-17А ва ИЛ-10 ни аниқлаш ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

---

**БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ**

**МУСТАФАЕВА ФЕРУЗА АБУЛОВНА**

**ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ДИАГНОСТИКЕ  
ИММУНОГО СТАТУСА ПРИ ВОСПАЛИТЕЛЬНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЯХ  
ОРГАНОВ МАЛОГО ТАЗА У ЖЕНЩИН**

**14.00.36 - Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2020.3.PhD/Tib1457**

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета ([www.immunology.uz](http://www.immunology.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet”(www.ziynet.uz).

**Научный руководитель**

**Нуралиев Неккадам Абдуллаевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты**

**Разикова Элмира Садуллаевна**  
доктор медицинских наук, профессор

**Мусоходжаева Дилорам Абдуллаевна**  
доктор биологических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ивановский научно-исследовательский институт  
материнства и детства имени В.Н. Городкова**  
(Российская Федерация)

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в «\_\_\_\_\_» часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте (Адрес: 200118, г.Бухара, улица Навои, 1. Тел / факс: (+99865) 223-00-50, 223-17-53, e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за №\_\_\_\_\_) (Адрес: 200118, г.Бухара, улица Навои, 1. Тел / факс: (+99865) 223-00-50, 223-17-53).

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 год.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**А.Ш.Иноятов**

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Н.Н.Казакова**

Ученый секретарь Научного Совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

**Б.З.Хамдамов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В структуре гинекологических заболеваний воспалительные процессы женских половых органов занимают первое место и составляют 60-65% всех гинекологических патологий. Высокая частота воспалительных заболеваний органов малого таза чаще наблюдается у женщин 15-24 лет, после 30 лет их частота значительно снижается. «...К воспалительным заболеваниям органов малого таза относятся все воспалительные процессы в верхних отделах репродуктивного тракта у женщин, протекающие как в отдельной нозологической форме, так и в различных сочетаниях: эндометрит, сальпингит, оофорит, tuboовариальный абсцесс, тазовый перитонит»<sup>1</sup>. Эти заболевания представляют собой сложную, малоизученную проблему со значительными медицинскими, социальными и экономическими потерями во всем мире.

